

## АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН СИЙМОСИ

**Салиева М.Х.**

Андижон давлат тиббиёт институти

Андижон шаҳри Ю.Атабеков кўчаси № 1 уй.

**Аннотация:** Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Қайд этилган муаммоларни бартараф этиш, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ. Қуйидаги устувор йўналишларни назарда тутувчи ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқландин ва амалга оширилмоқда.

**Калит сузлар :** Абу Али ибн Сино , Сайд Нафисий , М. М. Герасимов

**Annotation:** In our country, measures are consistently implemented aimed at the formation of a harmonious generation, raising young people spiritually, morally and physically healthy, turning them into an active participant in the ongoing reforms.

In order to eliminate the mentioned problems, further improve the work on the education of the younger generation, raise the quality of education to a new level in terms of content, increase the prestige of the teaching profession, as well as in accordance with the strategy of actions in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021. You have approved and are implementing a comprehensive program of measures to raise the system of moral and physical

education of young people to a qualitatively new level, providing them with the following priorities.

**Key words :** Abu Ali ibn Sina, Sayd Nafisiy, M. M. Gerasimov .

Ёшлар ўртасида миллий ғояни тарғиб қилиш, уларда давлат рамзлари ва миллий кадриятларга хурмат ҳиссини уйғотиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказишда буюк мутафаккир Абу Али Ибн Синонинг фикр- мулохазалари катта аҳамиятга эга.

**Мақсад:** Андижон давлат тиббиёт институти ректори профессор Юсуф Отабекович Отабеков (1912-1981) томонидаг буюк аллома Абу Али ибн Синонинг бюстини ҳақиқий қиёфасини яратиш ҳақида маълумот бериш.

**Усул ва услублар:** Юсуф Отабекович Отабеков ректорлик лавозимида иш бошлаган чоғиданоқ барча ишларга атрофлича ёндашган эди. Шундай тўғиз пайтда яна бир катта ишга қўл уриб, буюк аллома Абу Али ибн Синонинг бюсти сиймосини илмий асосда яратиш ҳаракатига тушди.

Бунинг сабаби, бунга қадар Ибн Синонинг бир- бирига ўхшамаган ўттиздан ортиқ кўринишдаги портрети мавжуд эди. Лекин, уларнинг ҳаммасида ҳам Ибн Синонинг ҳақиқий қиёфаси акс этмаганди. Ҳатто, машҳур антрополог ва ҳайкалтарош М. М. Герасимов яратган Ибн Сино портретида ҳам қатор камчиликлар мавжуд эди. Бу ижтимоий гигиена, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва тиббиёт тарихи билан шуғулланувчи мутахассис олим Ю.А.Атабековни қониқтирмай келарди.

**Натижалар:** Ю.О.Отабеков Ибн Синонинг ҳақиқий қиёфасини яратиш керак деган орзу билан юрарди. Бу орзу уни ижодий изланишлар сари чорлади кафедра доценти Ш.Х. Хамидуллин, эстетика фани муаллими Е. Соколова билан биргаликда. Ш. Х. Хамидуллин анатомия, ижтимоий- гигиена ва тиббиёт тарихидан йирик мутахассис эди. Шунинг билан бирга математика, физика ва геометрия фанларини ҳам чуқур ўзлаштирган инсон эди. Унинг бу билими Ибн Сино бюстини яратишда қўл келиши, Е. Соколова эса тайёр ўлчовлар асосида бюстни тиклаши мумкин эди. Ю.О.Отабеков

уларнинг мана шу билим ва қобилиятларини ҳисобга олиб ҳамкорликда ижодий иш қилишни таклиф этди. Улар масаланинг моҳиятини тушунгач, унинг таклифини қабул қилдилар.

Андижон Давлат тиббиёт институти ректори, ҳамда ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш кафедра мудирини профессор Ю.О.Отабеков томонидан буюк мутаффакир, олим Абу Али Ибн Синонинг бюсти яратилди. Улар энг аввал, Ибн Синонинг ташқи қиёфаси ва табиатанинг хусусиятларига алоқадор бўлган мавжуд материал ва тарихий- адабий манбаларнинг барчасини синчиклаб кўриб чиқдилар, буюк олимнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини чуқур ўргандилар.

Бу мураккаб ва мушкул вазифани адо этишда улар эронлик машхур академик Сайд Нафисий томонидан олинган Ибн Сино калла суягининг ҳақиқий фотосуратларини асос қилиб олдилар.

Фотосуратларнинг тарихи ҳақида бироз тўхталиб ўтамиз: 1925 йили Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорига мувофиқ Абу Али Ибн Сино таваллудининг минг йиллиги шарафига Эроннинг Хамадон шаҳрида янги макбара барпо этилганди. Ибн Синонинг хоки эски макбарадан янгисига олиб ўтилаётган пайтда академик Сайд Нафисий буюк ҳакимнинг калла суягини икки хил суратга тушириб олишга муяссар бўлганди. Ибн Сино калла суягининг фотосуратлари кейинчалик алломанинг ташқи қиёфасини тиклаш учун рус олимларига тақдим этилганди.

Академик В. Н. Терновский ана шу фотосуратларни кўриб Ибн Сино калла суягининг хусусиятлари тўғрисида антропологик томондан тасвирлаб берди. Машхур археолог, антрополог ва ҳайкалтарош М. М. Герасимов эса 1956 йили ана шу тасвирлар асосида Ибн Синонинг ён томондан туширилган хужжатли портретини яратди. Бироқ калла суягининг ўзи ёки лоқал ундан аниқ олинган куйма бўлмаганлигидан олимнинг олд томонидан туширилган хужжатли график портретини ҳам ярата олмади. Шунга қарамай М. М. Герасимовнинг хужжатли портрети Ибн Синонинг ҳақиқий қиёфасини излаб топишда олға қўйилган катта қадам эди.

Муаллифлар: проф.Ю.А.Отабеков, доц. Ш.Х.Хамидуллин ва Е.Соколова буни эътироф этдилару, лекин М. М. Герасимов услубидан ойдаланмадилар. Чунки, унинг услуби Ибн Сино бюстининг олд томондан кўринишини яратишда кўл келмас эди. Шунинг учун улар мутлақо янги, яъни фотосуратларга қараб ташқи қиёфасини тиклаш услубини яратиш устида иш олиб бордилар. Ниҳоят, Ибн Сино калла суяги ҳайкалининг модели яратилгач, олдиндан тайёрланган график тасвирлар асосида унинг портрети тикланди. Бу иш босқичма-босқич олиб борилди. Пешона, қош, кўзлар, энгакни ишлаш, кулоқ супраси ва бўйинни ясашда пластик анатомияда қабул қилинган умумий қоидаларга тўла амал қилиб калла суягининг антропологик хусусиятларини ҳисобга олишди.

Ибн Сино ҳайкал-портретини яратиш учун салкам ўн беш йил вақт кетди. Ибн Сино сиймосини беками кўст сақлаб қолган ҳолда бюстни бир неча марта қайта ишлаб чиқдилар ва пировард натижада буюк аллома образини топишга эришдилар.

Шундан сўнг муаллифлар Ибн Сино бюстини қандай яратганликлари ҳақида «Ибн Сино бюсти» фотоальбомини тайёрлаб, китоб ҳолида ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилдилар.

Бу фотоальбомни санъат ва антропология соҳасидаги тегишли муассасалар, ҳамда шу соҳанинг йирик мутахассисларига юбориб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини сўрадилар ва бу ҳақда ижобий фикр ва юксак баҳо берилган кўплаб тақризлар олдилар. Узок йиллик изланиш ва машаққатли меҳнатлар ортда қолди (1964-1979).

Ю.А.Отабеков ўзи орзу қилган Абу Али Ибн Синонинг ҳақиқий сиймоси яратилди ва бу иш дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилди.

Тиббиёт тарихчиларининг Барселона шаҳрида (Испания, 1980й.) бўлиб ўтган Халқаро конгрессида проф.Ю.А.Отабековнинг Ибн Сино бюстини яратганлиги ҳақида қилган доклад ҳорижий давлатлар олимларида катта қизиқиш уйғотди.

**Хулосалар:** Бу бюст Ибн Сино сиймосига энг кўпроқ ўхшаган бўлиб дунё олимлари портретлар галереяси ичида муносиб ўрин олди. Республикамизнинг маданий ҳаётида эса катта воқеа бўлди.

### **Адабиётлар**

1. Терновский В. Н. Ибн Сина (Авиценна), М.: 1969.
2. Ю.А.Отабеков, Ш.Х.Хамидуллин, Е.Соколова «Ибн Сино бюсти» Андижон:1979.
3. Камалова Ш. У., Мунарова Р. У., Ахмедова Н. А., Алимкулов С. О., Эшонкулов Б. М. Педагогические взгляды Абу Али ибн Сины (Авиценны) // Молодой ученый. — 2015. — №9. — С. 1068-1070.
4. Абу Али ибн Сино ҳикматлари,[Ziyouz.uz](http://Ziyouz.uz),2014
5. Н.Э.Юсупова,Н.Салимсакова Ш.Н.Бурнаев Ибн Сино оила ва бола тарбияси ҳақида Т.:2012.
6. И.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч” Т.:2008.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Қарори “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида “ Т.:2018,ПҚ-3907-сон.
8. Н.Турдибаев. “Ибн Синонинг илм ва ахлоққа доир баъзи рисоалари” Т.: 2009.